



НОКИМИ

ҲОКИМИ

## Қ А Р О Р

2009 yil "16" сентябрь

№ 1071-Қ

Тумандаги «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Хўжа соат» маҳалласида яшовчи фуқаро Махмудов Орифжонга тегишли уй-жойини автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчасига айлантириш ҳақида

Тумандаги «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Хўжа соат» маҳалласида яшовчи фуқаро Махмудов Орифжон туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб 2009 йил 23 июн куни 1703-сонли нотариал тасдиқланган олди сотди шартномасига асосан унга тегишли бўлиб, ушбу уй жой автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчасига мослаштириб қурилганлиги, у ерда яшаш имконияти йўқлиги, ушбу кунда оиласи билан бошқа жойда яшаётганлигини инобатга олиб тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчасини ташкил қилиш учун турар жой тоифадан тўлиқ нотурар жой тоифага ўтказиб беришни сўраган.

Юқоридагиларга асосан, фуқаро Махмудов Орифжонга тегишли уй-жойига таёрланган туман ер тузиш ва кучмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонасининг маълумотномаси ва барча тегишли ташкилотларнинг хулосаларини, оила аъзоларининг розилиklarини ҳамда тақдим этилган хужжатлар тўпламини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой» кодексининг 15-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомига асосан,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғини, «Хўжа соат» маҳалласида яшовчи фуқаро Махмудов Орифжонга тегишли булган, (уй-жой қурилиш тагидаги ер майдони 54,86 метр квадратдан иборат бўлган) умумий майдони 54,86 метр квадрат ер майдонида жойлашган, уй-жойини тўлиқ нотурар жой тоифаси автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчасига айлантирилсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси (Н.Бердиев)га, туман ер тузиш ва кучмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонаси (Т.Шаропов)га, туман давлат солиқ инспекцияси (З.Аминов)га, туман статистика бўлими (Ж.Зарипов)га ҳамда тумандаги «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғин (О.Алиев)ларига фуқаро Махмудов Орифжонга тегишли уй-жойни нотурар жой тоифаси автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчасига ўтказилиши муносабати билан



НОКИМИ

ҲОКИМИ

Қ А Р О Р

2009 yil "18" сентябрь

№ 1088-Б

«Фукаро Яхшибоева Нафисага Кайнама  
кишлоқ фукарлар йигини «Ипакчи»  
махалласи худудидан савдо дукони  
қуришга ер майдони ажратиш тугрисида»

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 ва 36 моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун руйхатдан утказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тугрисида»ги қарори, туман ер танлаш хайъатининг далолатномаси ҳамда фукаро Яхшибоева Нафисанинг туман хокимлигига ёзган аризасини инобатга олиб

Қ А Р О Р К И Л А М А Н :

1. Фукаро Яхшибоева Нафисага Кайнама қишлоқ фукарлар йигини «Ипакчи» махалласи худудидан савдо дукони қуриш учун  $6 \times 15 = 90$  м.қв қишлоқ хужалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ажратиш тугрисидаги туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фукаро Яхшибоева Нафисага савдо дуконини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириги (АРТ), лойиха хужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш экспертизаси руйхатидан утказиш юқлатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг биринчи уринбосари Б.Кодиров зиммасига юқлансин.

Туман хокими

Б.Садуллаев